

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 24-sentabr, chorshanba  
№ 76 (15818)

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

## ЁШЛАР СОҒЛОМ АХБОРОТ МУҲИТИ ТАРАҒДОРИ

«Туркистон» саройида «InfoCOM — 2014» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ёшлар ўртасида «MIT.uz» миллий интернет танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

II миллий интернет танлови Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тадбир ёшларни глобаллашув шароитида ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини ошириш, шунингдек, амалга оширилаётган ислохотларни интернет тармоғи орқали кенг ёритишда ёшлар иштиро-

кини кенгайтиришга қаратилган.

Мамлакатимизда мунтазам ўтказиб келинаётган интернет танлов ва фестиваллари, уларда иштирокчилар сафининг кенгайиб бораётгани Президентимиз раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасидир. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори 2013 — 2020 йилларда мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини янада ривожлантириш стратегиясини белгилашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 6-саҳифада)

Iste'dod



## Орзулар рўёби

Олти яшар Аҳроржоннинг магнитофонда янграётган кўшиқ оҳангига мос хиргойи қилаётганини кўрган Маҳмуд ака: «Ие, буни қаранглар, бинойидай ритмга тушади-я, — деди қувончи ичига сиғмай. — Худди ўзимнинг ёшлигим-а. Эҳ...»

Бу манзара отага ўзининг болалигини эслатди. У ҳам радиода кўшиқ янграса, бас, жўровоз бўлиб кетаверарди. Афсуски, у пайтларда бугунгидек мусиқа ва санъат мактаблари йўқ, кўшиқ-

чи ёки актёр бўламан, деса, қарши чиқадиғанлар кўп бўларди: «Ха? Артист бўлмоқчимсан? Ота-бобонг қилган иш билан шуғуллансанг-чи?..» Юракка ўқдай санчиларди бундай гаплар.

Ўспирин эмасми, атрофдагиларнинг бу тахлит муносабати ўн икки яшар Маҳмуджонга оғир боған, болалик орзулари қаровсиз гул янглиғ сўлиб, уни хаёлот дунёсига чорлаган эди... Йўқ, у ҳаётда ўз йўлини топди, касб-хунари бўлди. Бинойидай оила, бола-чақаси бор. Топиш-тутуши жойида. Лекин ўша армон...

(Давоми 4-саҳифада)

Adabiyotga e'tibor — ma'naviyatga, kelajakka e'tibor

## Зиё манбаи



Абу Райҳон Беруний ўн етти-ўн саккиз ёшларидан коинотни ўргана бошлаган. Алишер Навоий болалигида Фаридиддин Атторнинг «Мантикүт-тайр» асарини ёд билган, ўн бир-ўн икки ёшларида таниқли шоир бўлган. Чўлпон ўн етти ёшида «Адабиёт надур?» деган саволни қўйиб, сара фикрларини бир мақолага дуру жавоҳир янглиғ жойлаган. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Алломаларни аллома қилган, оддий инсонни баркамол шахс этиб тарбиялаган нима? Албатта, илму маърифат, китоб.

(Давоми 7-саҳифада)

O'zbek Milliy akademik drama  
teatrining 100 yilligi oldidan

## Муҳим тарбия маскани

Театр инсонларни маънавий тарбиялашга, уларнинг билим ва маданиятини бойитишга, ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат ва дўстлик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган маскандир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар самарасида ўзбек театр санъати изчил ривожланиш йўлидан бормоқда. Ўзбек театрининг мақоми белгиланиб, театр санъатини ривожлантириш, актёрларни рағбатлантириш ҳақида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бунинг натижасида янги театрлар ташкил этилди.

Ўзбек Миллий академик драма, Ўзбекистон академик рус драма, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрлари, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Наманган, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси драма театрлари бинолари тубдан таъмирланди. Бухоро вилояти мусиқали драма театри учун янги бино барпо этилди. Професссионал ижодий жамоалар, театр студиялари, ҳаваскорлик гуруҳлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Шу кунларда Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

## Xabarlar

«КАМОЛОТ» УЙЛАРИ  
ҚУРИЛМОҚДА

Юртимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш орқали уларнинг янги уйларга эга бўлишларига кўмаклашиш самарали йўлга қўйилган.

Навоий вилояти шаҳар ва туманларида ҳар бири 64 хонадондан иборат бўлган учта «Камолот» уйини қуриш ишлари бошланди. Келгусида улар ёш оилаларга берилади. Зарафшон шаҳридаги «Камолот» уйини «Зарафшон овози» МЧЖ қурувчилари бунёд этаяпти. Айни пайтда қурувчилар бино пойдеворини битказиб, биринчи қаватга гишт териш ишларини амалга оширмоқда.

— Келгуси йилнинг март ойида қурилиш якунланиши белгиланган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Учқун Бобоев. — Бу ташаббускор, жамоатчилик ишларида фаол ёш

келин-куёвларни қўллаб-қувватлашнинг амалий ифодаси, албатта. Хонадонларнинг бошланғич бадалсиз берилиши ҳам ёш оилалар учун яхши имтиёздир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тавсияси билан бериладиган шундай уйлардан яна бири — Қизилтепа туманидаги Алишер Навоий маҳалласида қуриляпти. Ҳозир бу ерда «Темур Малик» МЧЖ бунёдкорлари бинонинг иккинчи қаватини барпо этмоқда.

Кармана туманидаги «Талқоқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда ҳам худди шундай уй қурилмоқда.

«Туркистон-пресс»

Юртимизда ҳар йили ўн ёшга тўлган ўғил-қизлар тантанали равишда «Камалак» болалар ташкилотига аъзоликка қабул қилинади. Ўзгача шуқуқ билан ўтказиб келинаётган ушбу тадбир 4-синфга қадам қўйган жажжи ўқувчиларнинг севимли байрамига айланган.

«Камалак» сарфи  
кенгаймоқда

Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида ташкил этилган бу галги тадбир ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбирда ёш «Камалак»чиларни қутлаш учун «Камолот»чи ака-опалари билан бирга Зулфия номидаги Давлат мукофоти, давлат стипендиялари соҳиблари, жаҳон чемпионолари ҳамда фан олимпиадалари ғолиблари қатнашди.

Ана шундай иқтидорли ёшлар гувоҳлигида болаларга «Камалак» нишонлари тақилди. Тадбирни нафақат самарқандликлар, балки республикамизнинг турли вилоятларидан келган зиёратчилар, чет эллик сайёҳлар ҳам катта қизиқиш билан томоша қилди.

Жасур РАҲМОНОВ,  
«Turkiston» мухбири

## ЭКО ҳаёт сари

Экологик муаммоларнинг олдини олиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга қаратилган «Ёшлар — ЭКО ҳаётни танлайди!» лойиҳаси қорақалпоғистонлик ёшларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Лойиҳа доирасида Чимбой туманидаги 38-мактаб ўқувчилари ўртасида экологик маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга бағишланган мини сессиялар ташкил этилди. Унда ўқувчиларнинг экологик билимларини ҳамда экологик муаммолардан қай даражада хабардор эканини синовдан ўтказиш мақсадида сўровнома ўтказилди. Шундан сўнг лойиҳа тренерлари

экологик муаммоларни келтириб чиқарадиган омиллар хусусида тушунтириб ўтди.

Семинар якунида барча иштирокчиларга экологик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган зарур тавсиялар жамланган «Ёшлар — ЭКО ҳаётни танлайди!» мавзусидаги буклетлар тарқатилди.

Клара  
ХУДОЙБЕРГЕНОВА,  
Қорақалпоғистон  
Республикаси

UZ доменига  
энг яхши сайт қайси?

Барчани қизиқтираётган ушбу саволга пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган «UZ миллий домени — 2014» интернет фестивалида аниқлик киритилди. Унда энг яхши сайт номлари эълон қилиниб, муаллифлари муносиб тақдирланди.

«InfoCom — 2014» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилган интернет фестивали Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва

телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси кўмагида «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази

ҳамда «InfoCOM.UZ» журнали томонидан ташкил этилди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль мамлакатимизда интернет ресурсларидан фойдаланишни оммалаштириш, миллий контентни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ўзбек тилининг бутунжаҳон ахборот тармоғида қўлланиш кўламини кенгайтиришга хизмат қиляпти.

Бу йилги танловга саккиз

юздан ортиқ ариза келиб тушди. Улардан 549 сайт иштирок этди. Фестиваль натижаларига кўра ғолиб иштирокчилар орасидан доменидаги ўн иккита сайт ўнта мавзуга доир ва иккита махсус йўналишлар бўйича саралаб олинди. Бу натижалар соҳанинг таниқли мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Дунёда интернет тармоғи қаторида интернет хизматларининг ҳам ривожланиб бориши натижасида танловнинг «Тармоқ сервислари соҳасидаги энг яхши сайт» номинацияси ҳам кескин курашларга бой ўтди. Ушбу номинацияда биринчи ўринни bozor.uz сайти, иккинчи ва учинчи ўринни e-savdo.uz ва click.uz сайтлари эгаллади.

Шунингдек, «Фан ва таълим соҳасидаги энг яхши сайт», «Давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органининг энг яхши сайти», «Мавзуга оид энг яхши сайт», «Маданият соҳасидаги энг яхши сайт», «Энг яхши ОАВ сайти», «Энг яхши корпоратив сайт» каби номинацияларда ҳам

ғолиблар аниқланди.

— Бугунги тезкор ахборот оламида биринчилардан бўлиб янгилик тарқатишгагина эмас, балки унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак, — дейди фестивалнинг «Энг яхши ОАВ сайти» йўналишида биринчи ўринга муносиб деб топилган «Anhor.uz» сайти бош муҳаррири Лола Исломов. — Биз мазкур фестивалда ОАВ сайтлари орасида биринчи ўринни эгаллаш билан бирга «Йил янгилиги» номинацияси совринига ҳам сазовор бўлдик. Бундай эътибор ва рағбатни яқиндагина фаолиятини бошлаган сайтимиз учун катта эътироф намунаси деб биламиз. Кўп сонли фойдаланувчиларнинг қўллаб-қувватлаши бизни фаолроқ бўлишга, янада самарали меҳнат қилишга ундайди.

Фестиваль доирасида мамлакатимиз дастурчилари томонидан ишлаб чиқилган энг яхши мобиль иловалар ва ижтимоий тармоқдаги саҳифалар ҳам тақдирланди.

Р.ҚҶҚОРОВ

Шу йилнинг октябрь ойи охирида Урганч шаҳрида «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция ўтказилади. Мамлакатимизда сувни тежайдиган илғор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги «Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори сувни тежаш усулларини жорий этган ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлмоқда. Бугунги кунда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси сувни тежайдиган технологияларни жорий этадиган ер эгаларига имтиёзли кредитлар ажратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликни замон талабларига мувофиқлаштириш, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар тизимини модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини изчил ҳимоялаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар, маъмурий қонун нормаларини қўллашнинг муҳим жиҳатлари муҳокама этилди. Тадбирда Адлия вазирлиги томонидан Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклашиш» лойиҳаси ҳамкорлигида нашр этилган «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича ҳужжатлар намуналари» китобининг тақдимоти ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўрни ва роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва бошқа вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатида мамлакатимиздаги 7 мингдан ортиқ ННТлар, жамоат тузилмалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг тиббий, экологик маданиятини юксалтириш, экологияга оид илғор ғоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

## ГУЛШАННИНГ ГЎЗАЛ ОРЗУЛАРИ

Хизмат тақозоси билан мактабгача таълим муассасасидан тортиб олий ўқув юртигача бўлган барча таълим-тарбия даргоҳларида ёшларнинг турли тадбирларида қатнашамиз. Шундай учрашувларда ёшларимизнинг инглиз, немис, француз ё бошқа бирор хорижий тилда бийрон-бийрон сўзлашаётганини кўриб, ҳавасимиз келади. Уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта ўзлаштирган баркамол авлод бўлиб улғаяётганидан қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади.



Бизнинг ўқувчилик йилларида «чет тили» деган фан номигагина ўқитилар, ҳафтада бир марта ўтиладиган француз тили ўқитувчимиз кирилл алифбосида ёздириб, ўзбекча гапирганидан мактабни битирганда ҳам «бонжур» сўзини такрорлашдан нарига ўтмаганмиз.

Бугун-чи? Аксарият боғча боласи ҳам она тилидан ташқари инглиз ё бошқа бирор хорижий тилда дона-дона сўзлайди, қийналиб бўлса-да, фикрини тушунтириб бера олади. Бу Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида рўй бераётган туб ислохотлар, хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасидир.

Наманганлик Гулшан Маҳмудова 1991 йил 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган санада биринчи синфга қабул қилинди. Бундан у чексиз ғурурланади.

— Ватанимиз ўз истиқлолини қўлга киритган кун илк бор мактаб остонасига қадам қўйган «қалдирғоч»лардан бири эканидан фахрланаман, — дейди Гулшан. — Айни пайтда бундан улкан масъулият сифатида қабул қиламан. Негаки, Президентимиз ўзларининг ҳар бир чиқишлари, нутқ ва маърузаларида навқирон авлодга катта ишонч билдириб, ҳамиша маррани юксак олиб яшашга даъват этади. Мана шу ишонч, ана шу маррага муносиб бўлиш масъулияти бизни янада кўпроқ изланиш, ўрганиш ва меҳнат қилишга ундайди.

Наманган давлат университетининг хорижий тиллар факультетини битириб, вилоят марказидаги 6-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида фаолият бошлаган ёш педагог

қисқа муддатда юқори натижаларга эришди. Ўз касбига меҳри баландлиги, изланувчан ва тиришқоқлиги боис тез орада нафақат туман, балки вилоят халқ таълими тизимида ҳам хурмат-эътибор қозонди.

2012 йилда «Компьютер технологияларини ўқитишда замонавий усуллар» мавзусидаги дарс ишланмаси билан АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси грант лойиҳасини қўлга киритди ва Шимолий Каролина штатида уч ой малака ошириб қайтди.

Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси томонидан ўтказиб келинаётган халқаро конференцияларда «Инглиз тили дарсларида видео материаллардан фойдаланиш», «Баҳолашнинг муқобил йўллари» каби мавзулардаги маърузалари хорижлик мутахассислар эътиборига тушди. Энди уни хорижда ташкил этиладиган илмий анжуманларга таклиф эта бошлашди. Масалан, жорий йилнинг январь ойида Таиландда бўлиб ўтган халқаро конференцияда «Инглиз тилида компьютер технологияларини ўқитиш» мавзусидаги маърузаси мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Изланиш, мақсад сари қатъий интилиш асосий шиори бўлган Гулшан жорий йилнинг март ойида ўтказилган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловининг мамлакат босқичида фойлиқни қўлга киритди.

— Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати, Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини изчил такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш, педагог-ҳодимларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир, — дейди Г.Маҳмудова.

**А.САТТОРОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

### Bunyodkorlik

Юртимизда маданият ва истироҳат боғларини босқичма-босқич реконструкция қилиш ва замонавий аттракционлар билан жиҳозлаш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш натижасида аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмирлар, барча ёшларнинг маданий дам олиши учун қулай шароитлар яратилмоқда. Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



## Истироҳат боғларининг янги қиёраси

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги вилоят маданият ва истироҳат боғида қарийб икки миллиард 115 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш, янги аттракционлар ўрнатиш ишлари олиб борилди. Натижада, ўн беш турдаги аттракционлар, ўйин қурилмалари, 450дан ортқ тунги ёриткичлар ўрнатилди. Иккита музқаймоқ ва яхна ичимликлар дўкони қурилди, икки қаватли замонавий ресторан бунёд этилмоқда.

Қарши шаҳридаги болалар маданият ва истироҳат боғи ҳам истиқлолга монанд янги қиёфа касб этиб турибди. Бу обод гўшада аттракционлар ўрнатиш, қури-

лиш-таъмирлаш ишлари учун 620 миллион сўмдан ортқ маблағ сарфланди.

Нишон тумани марказида жойлашган болалар маданият ва истироҳат боғи Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида янада гўзал ва кўркем кўринишга эга бўлди. Ун икки ярим гектар майдонни эгаллаган, турфа хил гуллар барқ уриб ўсаётган бу баҳаво жой болаларнинг севимли масканига айланиб улгурган. Осмонга сапчидиган ранг-баранг фавворалар дам олиш маскани чиройини янада очиб юборди.

«Таллимаржон» иссиқлик электр станцияси жамоаси

ҳамда фидойи тадбиркорларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларида кўрсатган ташаббуси ибратлидир. Ўн битта кичик фаввора, йигирма учта болалар аттракциони, савдо шохобчаси, иккита болалар ўйингоҳи, муҳташам киришчиқиш дарвозалари, икки минг метр узунлиқдаги замонавий бетон қопламали йўл бунёд этилди. Бир юз олти миш дона ранго-ранг чироқлар ўрнатилди. Ҳозирда ушбу боғда салкам бир гектарлик сунъий қўл барпо этилмоқда. Бундай эзгу амаллар барчаси халқимиз, айниқса, ёш авлод вакилларининг бўш вақтларини кўнгулдагидек ўтказилишида алоҳида аҳамиятга эга.

**Шавкат КАРОМОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

### Jarayon

## Тиббий маданиятни юксалтириш йўлида

Бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли кўплаб юқумли касалликлар бартараф этилиб, эпидемик вазият барқарорлиги таъминланмоқда. Сўнгги йилларда полиомиелит, қизамиқ ва вирусли гепатитнинг «В» турига қарши 98 — 99,5 фоиз бола эмланмоқда.

Натижада аҳоли орасида дифтерия, полиомиелит, қоқшол, қизамиқ ва қизилча каби юқумли касалликлар деярли қайд этилмапти. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази томонидан «Назокомиал инфекциянинг олдини олиш» мавзусида ташкил этилган семинарда шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон тиббиёт тизимида олиб борилаётган туб ислохотлар аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш ва қўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

— Мамлакатимизда барча даволаш-профилактика муассасалари замонавий диагностика ва даволаш усуналари билан жиҳозланиб, бир маротаба ишлатиладиган тиббий анжомлар билан таъминланмоқда, — дейди Республика Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази даволаш муассасаларини нazorат қилиш бўлими мудири Нигора Аллаберганова. — Шунга қарамай, баъзан назокомиал инфекциялар аниқланмоқда. Тиббиёт ходимларининг санитария, дезинфекция ва стерилизация тартибларига тўла риоя этмаслиги оқибатида бир бемордан иккинчисига юқиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш мақсадида халқаро стандартлар асосида тегишли меъёрлар ишлаб чиқилиб, шифо масканларида бунга риоя этилиши қатъий нazorатга олинган.

Анжуманда инфекцияларни аниқлашнинг замонавий усуллари, бу борада жаҳон тиббиётида қўлланилаётган янги технологиялар, аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш, эпидемияларнинг олдини олиш ва ўз вақтида даволаш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди, ўзаро фикр алмашилди.

**Парвина ОМОНОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Istiqloq farzandlari



## Орзулар рўёби

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Кимдан ўпкаласин? За-мон шунақа, одамларнинг дунёқараши бошқача эди. Бугун-чи? Ў, ҳозир ўн икки ёшли йигитча бўлиб қолганидами!..

Унинг хаёлини олти яшар ўғли чалган куйнинг авжи бузиб юборди. «Ҳа, овозингдан сенинг! — дея руҳлантирган бўлди у. — Бос авжига, болам!»

Шундай дея ўғлининг пешонасидан ўпиб кўяркан, кўнглидан ўтди: «Эртагаёқ сен боланинг ўқишинг ҳақида ўйлаб кўраман».

Ўшанда у фарзандини келажакда мусиқа ва санъат мактабида ўқитишни ният қилган эди.

Орадан йиллар ўтди. Аҳрорнинг синглиси Моҳидил ҳам мусиқага қобилиятли чиқиб қолди. Бахтиёр ота дилбандларини Яккабоғ туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабига олиб борди.

Ушбу даргоҳ санъатсевар болалар ҳаётида ўзига хос ўрин тутди. Биринчи навбатда, бу ерда таҳсил олган боланинг мусиқий диди шаклланади. Санъатга оддий мухлис кўзи билан эмас, санъаткор нигоҳи билан қарайдиган бўлади. Тўғри, у ерни битирган ҳамма бола ҳам келажакда профессионал санъаткор сифатида фаолият юритмаслиги мумкин. Лекин ўткир дидли, талабчан тингловчи бўлади, албатта.

Мазкур мактабга фарзандларини етаклаб келганда Маҳмуд аканинг хаёлида

ушбу фикрлар ҳам йўқ эмасди. Лекин вақт ўтиши билан маълум бўлдики, у янглишмабди. Санъат даргоҳидаги кўпгина болалар қаторида унинг ҳам фарзандлари истеъдодини намойиш эта олди. Аҳроржон Низомов ва унинг синглиси Моҳидил фортепиано синфида ўқиб, устозлар эътиборини қозонди. Аста-секин танловларда иштирок эта бошлади.

Танловлар нафақат билимли ва қобилиятли ёшларни рағбатлантиришнинг яхши йўли, балки уларнинг иқтидорини чарчашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бир танловда кўнгиладигек қатнаша олмадингми, кейинги танловда иштирок этиш имконинг бўлади. Албатта, кейингисига янада яхшироқ ҳозирланаган, ўқийсан, изланасан.

Ёш ака-сингил санъаткорлар ҳам турли танловларда иштирок этиб келмоқда. 2012 йилда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг туман босқичида қатнашиб, иккинчи ўрин соҳиби бўлди. 2013 йилда эса «Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» кўрик-танловининг республика босқичида ҳам иккинчи ўрин насиб этди. Шу йилнинг 14 — 21 июнь кунлари Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта ер денгизи афсонаси» халқаро танловининг республика босқичида ҳам иккинчи ўрин насиб этди. Шу йилнинг 14 — 21 июнь кунлари Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта ер денгизи афсонаси» халқаро танловининг республика босқичида ҳам иккинчи ўрин насиб этди. Шу йилнинг 14 — 21 июнь кунлари Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта ер денгизи афсонаси» халқаро танловининг республика босқичида ҳам иккинчи ўрин насиб этди. Шу йилнинг 14 — 21 июнь кунлари Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта ер денгизи афсонаси» халқаро танловининг республика босқичида ҳам иккинчи ўрин насиб этди.

ўринга сазовор бўлди.

— Мазкур фестивалда Ботир Жилқибоевнинг «Истиқлол муборақ» куйини ижро этдик. Ҳар сафар ушбу куйни чалаётганимизда кўз олдимда Ватанимизнинг гўзал қиёфаси, мафтункор қишлоқларимиз, самимий юртдошларимиз намоён бўлади, — дейди Аҳрор Низомов.

Моҳидил Низомова ҳам ўз олдига катта мақсадларни қўйган. У келажакда юртимиз санъатини дунёга таратмоқчи.

— Биз дунёдаги энг бахтли ёшларимиз, — дейди санъаткор қиз. — Негаки, ёш авлодни ҳаммиша қўллаб-қувватлайдиган, бизга ишонадиган Юртбошимиз бор. Тинч, осуда юртда яшаймиз. Билим олишимиз, иқтидоримизни намоён қилишимиз учун ҳамма шароитлар муҳайё. Ёш истеъдод соҳибларининг етук санъаткор бўлиб камол топишлари учун замонавий типдаги мусиқа ва санъат мактаблари қуриб берилди. Бу имкониятлардан фойдаланиб, жуда кўп ўқишимиз, ўзбек ва жаҳон классик мусиқа санъатини пухта ўрганишимиз керак.

Бугун Маҳмуд ака каби кўплаб юртдошларимиз ўз фарзандлари, яқинларининг ютуқларидан хурсанд. Уларнинг орзулари ёш авлод тимсолида ижобат бўлмоқда.

**Баҳодир ЮСУПОВ,  
ЎзЛиДеП Қашқадарё  
вилояти кенгаши ёшлар  
билан ишлаш бўлими  
мудир**

Муҳим тарбия  
маскани

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорларининг бир неча авлоди орзу-умидлари мустақиллик йилларида ушалди. 2001 йили Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан театр биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Томошабинлар зали, саҳна ва хизмат бинолари янгиланди, улар замонавий меъморлик ва технологик талабларга мувофиқ жиҳозланди. Ўзбек театрининг энг яхши анъаналарини ўзида муҳасам этган ва ўнлаб атоқли актёрлар етишиб чиққан бу масканга «Миллий театр» мақоми берилди. Театрнинг айна пайтдаги ривожланиш босқичини репертуар эркинлиги, ташкилий шаклларнинг ранг-баранглиги, миллий театримиз анъаналарининг жаҳон саҳна маданияти ютуқлари билан ўзаро уйғунлигида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январда қабул қилинган «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори нафақат Миллий театр, балки бутун ўзбек театр санъати ривожига кўрсатилаётган эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

— Ушбу қарор юртимизда санъатга, маданиятга нақадар катта эътибор қаратилаётганининг яна бир ёрқин далилидир, — дейди Ўзбек Миллий академик драма театри директори Маҳмуд Исмоилов. — Бугун театрларнинг моддий-техник базаси тубдан янгиланиб, ижодкорлар учун барча шароитлар яратилаётир. Бундай эътибор ва ғамхўрлик жамоамизга катта масъулият юклайди, гоёвий жиҳатдан пишиқ, томошабиннинг руҳиятини бойитишга, уни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайдиган саҳна асарларини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур санъат даргоҳида юбилей олдидан ишлар қизғин. Театр биноси капитал реконструкция қилиниб, унга туташ ҳудудлар ободонлаштирилмоқда. Бунёдкорлик ишлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида 12-трест очиқ акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётир.

Театрнинг нафақат ташқи, балки ички қиёфаси ҳам ўзгармоқда. Бинонинг фасади ва том қисми қайта таъмирланди. Томошабинлар учун 540 замонавий шинам ўриндиқ ўрнатилиб, саҳ-

на тўлиқ янгиланди. «Yamaha», «Sony» каби дунёдаги етакчи компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ёритиш, овоз чиқариш ва саҳна жиҳозлари ўрнатилди. Томошабинлар ва репетиция залларида мақбул ҳаво ҳароратини бир маромда сақлайдиган замонавий қурилмалар ўрнатилмоқда. Саҳна безаклари янгиланиб, кийиниш ва грим хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди. Муҳандислик-техник коммуникациялар такомиллаштирилди.

Театрнинг маъмурий биноси ҳам капитал таъмирланди. Фойега панно ва реклама лавҳлари ўрнатилди. Театр атрофи ободонлаштирилиб, яшил майсазор, автомобиллар тўхташ жойи ташкил этилди. Тез орада Миллий театрнинг кўп сонли мухлислари мамлакатимизнинг замонавий ва муҳташам санъат қононасида бетакрор спектакллардан баҳраманд бўлади.

Айна пайтда Президентимиз қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда турли маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим масканлари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда театр жамоалари билан учрашувлар, мулоқотлар бўлиб ўтаётир. Ушбу мулоқотларда мамлакатимиз театр санъати босиб ўтган шонли йўл, ютуқлари ва бой анъаналари, машҳур санъат дарғалари асос солган мактабларнинг бугунги ривожига ҳақида аҳолига батафсил сўзлаб берилмоқда, шу билан бирга, спектакллар намойишлари уюштирилмоқда.

— Юртбошимиз «Бухоро маданият маркази» мажмуаси ва Бухоро вилояти мусиқали драма театри янги биносининг очилиш маросимида бугунги глобаллашув шароитида ёшларимизни тўғри йўлга бошлашда фақат панду насиҳат билан кифояланмасликни, эзгуликни, ватанпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар кераклигини ўқитиб, бу борада театр муҳим тарбия ўчоғи эканлигини таъкидлади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова. — Шу кўрсатмалар асосида фарзандларимизнинг маънавий дунёсини бойитиб, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган, айна чоғда давр билан ҳамнафас яшаётган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳналаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

**Дилшод КАРИМОВ,  
ЎЗА мухбири**



Барчамиз яхши биламизки, ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ, айниқса, спорт оламидаги ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқ — бу аввало бутун борлигини сафарбар этиб, ўз олдига қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.

Ислом КАРИМОВ

# УЛУҒ АЖДОДЛАРГА ХОС МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ



спортчиларимиз тимсолида Осиё ўйинларида намоён бўлмоқда

Тўрт миллиард тўрт юз миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Осиё қитъасида бор иқтидор ва маҳоратини кўрсата олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳамиша юқори мақсадлар сари интиладиган, кўзлаган маррасига етмасдан қўймайдиган юртимизнинг алп, жасур ва шижоатли фарзандлари эса мана, йигирма йилдирки, энг йирик қитъанинг нуфузли спорт мусобақасида иштирок этиб, етакчилар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

1951 йилдан буён ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиб келинаётган Осиё ўйинларида мустақил Ўзбекистон байроғи илк бор 1994 йилда ҳилпиради. Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган ўзига хос қитъа олимпиадаси Осиёда янги етакчи терма жамоа пайдо бўлганини кўрсатди. Ватанимиз спортчилари барчани ҳайратлантириб ўн битта олтин, ўн иккита кумуш ва ўн тўққизта бронза — жами 42та медални қўлга киритиб, 42 мамлакат орасида умумжамоа ҳисобида 5-ўринни банд этди! Ўша мусобақада Ўзбекистон шарафини бор-йўғи 135 нафар йигит-қиз ҳимоя қилганини назарда тутсақ, мустақил бўлганига эндигина уч йил тўлган мамлакат спорти учун бу жуда яхши натижа эди. Янги жамоа сифатида Ўзбекистон бутун қитъа спорти ривожига улкан ҳисса қўшди. Ёш давлатнинг алпомишкелбат ўғлонлари Барчинойдек қизларининг ғайрату шижоатидан кўпчилик сергак тортди. Шу тариқа Осиё ўйинларининг нуфузи ҳам, жамоаларнинг савияси ҳам ошиб борди. Ўзбекистон эса ўз олдига аниқ мақсад қўйиб олдинга интилишда давом этди.

**Ўзбекистонлик спортчиларнинг Осиё ўйинларидаги дебюти 1994 йилда юз берган. Футбол терма жамоамиз ҳам илк бор қитъа миқёсидаги йирик турнирда қатнашган ва етти ўйинда еттита ғалабага эришиб, чемпионлик шохсупасига кўтарилган. Эътиборлиси, ўшанда терма жамоамиз сафида тўп сурган Миржалол Қосимов бугун Осиё ўйинларида иштирок этаётган 23 ёшгача бўлган терма жамоамиз бош мураббийидир.**

## ...ҒАЛАБАЛАР АСОСИ

XVII Осиё ўйинларида  
мамлакатимиз спортчилари  
муваффақиятли иштирок этмоқда.

Дастлабки кунданок оғир атлетикачи Маҳлиё Тоғаева 48 килограммгача бўлган хотин-қизлар мусобақасида даст кўтаришда 85 килограмм, силтаб кўтаришда 106 килограмм, иккикураш якунларига кўра жами 187 килограмм натижа билан Осиё ўйинларининг бронза медали совриндори бўлди.

Аслида мазкур мусобақада кумуш медаль соҳибаси бўлган ҳиндистонлик Агустиани Шри Ванюни ҳам Маҳлиё билан бир хил кўрсаткичга эришган эди. Бирок қоидага кўра бундай вазиятда кимнинг шахсий вазни энгилроқ бўлса, ўша спортчи юқори ўридан жой олади. Ҳиндистонлик спортчи қизнинг вазни Маҳлиёникидан 200 грамм энгил экани маълум қилинган, иккинчи ўрин унга насиб этди.

Кейинги кунлар ҳам юртдошларимиз учун муваффақиятли кечди. Дзюдочимиз Мирзоҳид Фармонов 66 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида бронза медали совриндори бўлди.

Тажрибали спортчиларимиз аввалига Саудия Арабистони вакили Сулаймон Ҳамад ва Корея Халқ Демократик Республикаси спортчиси Сонг Чол Хённи мағлуб этди ва ярим финалга йўл олди.

Финал оstonасида япониялик Томофуми Такажонинг қўли баланд келгач, юртдошимиз бронза медали учун тожикистонлик Расул Абдушарипов билан кураш олиб борди. Ушбу беллашувда ўзбек полвонининг рақибидан ҳар томонлама устун экани ойдинлашди. Буни Мирзоҳиднинг муддатидан аввал соф ғалабага эришгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Ўз килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувидида иштирок этган Рамзиддин Саидов ҳам терма жамоамиз ҳисобига бронза медални қўшиб қўйди. Бу унинг Осиё ўйинлари тарихидаги учинчи совринидир. Бунгача полвонимиз 2010 йил Хитой ва 2006 йил Қатарда бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам кучли учликдан ўрин олган эди.

Осиё ўйинларида дзюдочиларимиз яхши иштирок этмоқда, дейишга асосимиз бор. Мирзоҳид Фармонов ва Рамзиддин Саидовдан кейин Абдулла Тангриев ҳамда Дилшод Чориев ҳам совриндорлар қаторидан ўрин эгаллади. Абдулла полвон бронза, Дилшод полвон кумуш медални қўлга киритди.

Осиё ўйинларининг бошқа спорт турлари бўйича мусобақаларида вакилларимиз курашни давом эттирмоқдалар. Кеча вакилларимиз спортнинг ўн бир тури бўйича голиблик учун майдонга тушди.

Умуман олганда, Инчеондаги беллашувларда 228 нафар йигит-қиз 32 спорт тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Осиё ўйинлари эндигина бошлангани, вакилларимиз кетма-кет совринли ўринларни қўлга киритаётганини инobatга олсак, насиб этса, бу гал ҳам юзимиз ёруғ бўлиши шубҳасиздир.

Элмурод НИШОНОВ,  
«Turkiston» мухбири

## МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР...

*Баланд ва чиройли бинони кўрганда, кўпинча унинг ташқи кўринишига маҳлиё бўлиб қоламиз. Аслида эса иморатни гўзал қилиб турган унинг лойиҳаси, мустаҳкамлигини таъминлаб турган пойдевори бўлади.*

Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бакувват, маънан етуқ инсонлар бўлиб камол топишига мустақилликнинг дастлабки йиллариданок устувор вазифа сифатида қаралди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни бу борада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ишларга дастурилла-

мал бўлди. Шунингдек, Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари юртимизда жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, болалар ва ёшларни спортга жалб этиш, умуман, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилди.

Бугун бирор халқаро мусобақада Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграши

ҳеч кимни ажаблантирмайди. Чунки бу одатий ҳодисага айланган. Жаҳон чемпионатлари, ёзги ва қишки Олимпиада ўйинлари, қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва бошқа халқаро турнирларда либосида Ўзбекистон герби ва байроғи порлаб турган йигит-қизларни кўрганда, ўзга юрт спортчилари ва мухлислари нигоҳида ҳаяжон зухур этадиган бўлди. Бу, наинки, Ватанимиз шаъну шавкатининг юксалиб бораётгани ёхуд спортчиларимизнинг эришаётган юқори натижалари маҳсули, шу билан бирга халқимизнинг асрлар силсиласида, замон талотўпларида омон қолиб яшаб келаётган эзгу фазилатлари, мамлакатимизни дунёга танитган умумбашарий қадриятларга мос миллий аъналарининг довуғи, давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсатининг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинаётгани натижаси ҳамдир.

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилаётган XVII Осиё ўйинларида иштирок этиш учун борган Ўзбекистон вакилларини меҳмондўст корейс халқи ва мингминглаб спорт мухлислари олқишлар билан кутиб олгани ҳам бежиз эмас. Бу, аввало, спорт, унинг дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларининг ғалабаси, қолаверса, қандай халқаро мусобақага бормасин, ўзбек ўғлонларининг юксак маданият, мардлик ва олижаноблик намунасини, қизларимизнинг момомерос фазилатларини намойиш этиб келаётгани натижасидир.

**Осиё ўйинлари илк бор 1951 йилда Ҳиндистоннинг Нью Дехли шаҳрида ўтказилган.**



**Осиё ўйинларида мустақил Ўзбекистон терма жамоаси 1994 йилдан буён мунтазам иштирок этиб келаяпти. Шу кунга қадар мазкур нуфузли спорт анжуманида юртимиз спортчилари 54та олтин, 82та кумуш ва 93та бронза, жами 229та медални қўлга киритган.**

# ЁШЛАР СОҒЛОМ АХБОРОТ МУҲИТИ ТАРАҒДОРИ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

«MIT.uz» миллий интернет-танлови мамлакатимиз ахборот ресурслари ва сервисларини яратиш ҳамда ривожлантириш, ёшлар учун мўлжалланган, шунингдек, ахборот маданиятини шакллантиришга кўмаклашадиган сифатли интернет лойиҳаларини оммалаштириш, хавфсиз интернет маконини таъминлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, ёш веб-дизайнер ҳамда дастурчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, интернетда ёшлар сегментини янада кенгайтиришга қаратилган.

Жорий йилда танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 1300 нафарга яқин ёш қатнашди.



Танловга ижодий ишлар билан бир қаторда қарийб 300 интернет-сайт, 800 ариза — фотосуратлар, видеороликлар ва фотоколлекциялар ҳам тақдим этилди. Шуниси эътиборлики, танлов қатнашчиларининг 80 фоиздан зиёди талабалардир. Тақдим

этилган сайтларнинг 60 фоиздан ортиғи шу йил ишга туширилган.

Танловга келиб тушган 1300 дан зиёд ижодий ишнинг энг яхшилари тўққизта асосий ва учта қўшимча номинация бўйича танлаб олинди. Чунончи, «Ўзбекистоннинг бой маданияти, санъати, тарихи ва мустақиллик ғоясини акс эттирган энг яхши сайт», «Маҳалла, қишлоқ ва шаҳарнинг энг яхши фотосурати», «Ўзбек мумтоз шеърияти ва адабиётини тарғиб қилувчи ва ёшлар иштирокида тайёрланган энг яхши ролик», «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятини акс эттирувчи энг яхши сайт», «Энг яхши янгиликлар сайти», «Фойдаланувчилар фикри бўйича энг яхши сайт»

ва бошқа номинациялар бўйича учтадан совриндор аниқланди.

«Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятини акс эттирувчи энг яхши сайт» номинациясида жиддий рақобат кузатилди. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этилаётгани самарасида шу мавзудаги сайтларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораёттир. Ушбу номинацияда kommersant.uz сайти биринчи, vizitxorezm.uz ва bizplan.uz сайтлари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

— Мен яратган kommersant.uz сайти ўқувчиларга Ўзбекистон ва дунёдаги бизнес ҳақидаги долзарб ва ишончли ахборотни тезкор тақдим этмоқда, — дейди веб-дастурчи Адҳам Бозоров. — Ушбу веб-ресурс му-

ваффақияти унга бўлган талаб билан бевосита боғлиқдир. Ўз фаолиятини энди йўлга қўйган ёш тадбиркорлар мазкур сайтда фойдали маълумот, маслаҳат ва қўлланмаларни топиши мумкин.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг www.uz.uz сайти интернет-танловнинг «Икки тилда яратилган энг яхши сайт» номинацияси ғолиби бўлди.

— Жорий йилги танловда иштирокчилар сони ва тақдим этилган ишлар сифати бўйича ўтган йилгига нисбатан сезиларли ўсиш кузатилди, — дейди «MIT.uz» миллий интернет-танлови ҳайъат аъзоси Алишер Тожиёв. — Танлов иштирокчиларининг фаолиятини диққат билан кузатиб борамиз ва уларнинг лойиҳаларини янада такомиллаштиришга кўмаклашамиз.

Тадбир доирасида иштирокчилар ва ғолибларнинг юздан ортиқ фотосурати, шунингдек, ёш дастурчиларнинг энг яхши веб-ишланмалари ва дастурий таъминоти кўрғазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Миллий интернет танлови ғолиб ва совриндорларига диплом ва мукофотлар топширилди.

**Бобур ОБИДОВ,**  
**ЎЗА мухбири**



Рустам Назарматов олган суратлар

San'at

## «Илҳом қиёралари»

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида галерея фаолиятининг ўн йиллигига бағишлаб «Илҳом қиёралари» деб номланган кўрғазма ташкил этилди.

Кўрғазма ёшлар дидини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Кўрғазмада галерея тўпламидан ўрин олган тасвирий санъатнинг хилма-хил йўналиш ва жанрлари, ранг-тасвир, графика, ҳайкалтарошлик услубидаги асарларнинг нодир

намуналари томошабин эътиборини тортди.

«Илҳом қиёралари» кўрғазмасида нафақат юртимиз рассомлари, балки хорижлик мусаввирларнинг асарлари ҳам намойиш этилди. Экспозицияга қўйилган аксарият ижодий ишлар биринчи марта муҳлислар эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбирда тасвирий санъат галереясига миллий тасвирий санъатимиз равнақиға қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон Бадиий академиясининг дипломи топширилди.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ**

«Kamolot» ko'z'gusi

## Ҳуқуқшунослар билан учрашув

Ҳуқуқий демократик жамиятда яшайдиган ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқлари билан бирга бурчларини ҳам яхши билмоғи керак. Бугун мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Кенг кўламли чора-тадбирлар ўз самарасини берапти. Бу жараёнда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

нинг ҳам ўз ўрни, вазифалари бор.

Яқинда Ҳаракатнинг «Ёшлик» талабалар шахарчаси етакчилар кенгаши ташаббуси билан худудда жойлашган олий таълим муассасалари талабалари ва академик лицей, касбхунар коллежлари ўқувчилари Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судида бўлиб, малакали ҳуқуқшунос-мутахассислар билан учрашди. Учрашувда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ёшларнинг бу борадаги билим савиялари, уни ошириш учун нима-лар қилиш лозимлиги каби масалаларга ҳам урғу берилди.

**Назokat КҮРБОННИЁЗОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

Boshlang'ich tashkilotlarda



## Ҳамкорлик — самарадорлик

Кўштепа қурилиш ва саноат коллежида 986 нафар йигит-қиз олти йўналишда таълим олади. Ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда истеъдодини юзага чиқаришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг алоҳида ўрни бор.

Коллежда Мафтуна Набиевнинг ёшлар етакчиси сифатида иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, у «Камолот»нинг қатор лойиҳа ва тадбирларида барчанинг эътиборида. Айни пайтда янги ўқув йилида коллежга қабул қилинган 319 нафар ўқувчини бошланғич ташкилот сафига жалб

қилиш ва ўқиш давомида уларга кўмакдош бўлишни ўз олдига мақсад қилган.

— Бошланғич ташкилотнинг таълим муассасасида қай даражада самарали фаолият олиб бориши етакчи ва таълим даргоҳи раҳбариятининг ҳамкорлигига боғлиқ, — дейди «Камолот» ЁИХ Кўштепа қури-

лиш ва саноат коллежи бошланғич ташкилоти етакчиси Мафтуна Набиева. — Барча тадбирларимиз «Камолот» аъзолари иштирокида ўтади. Ҳар бир лойиҳамиз коллеж раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса ишимизнинг самарадорлигини таъминлайди.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

**СУРАТДА:** бошланғич ташкилот етакчиси Мафтуна Набиева «Сардорлар кенгаши»га қабул қилинган ўқувчилар билан суҳбатлашяпти.

# Зиё манбаи

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Бугун мамлакатимизда ёш авлоднинг замон талаблари даражасида билим олиши, баркамол инсонлар бўлиб улғайиши йўлида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, улар қалбида китобга меҳр уйғотиш, мутолаа маданиятини шакллантириш мақсадида анъанавий китоб байрамлари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан жойларда ўтказилган «Болалар китоби» фестивали ҳам ёш авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, уларни миллий қадриятлар сарчашмасидан бохабар қилиш ва китобхонлик даражасини юксалтиришга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

**Самарқанд** вилояти ахборот-ресурс марказида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган «Болалар китоби» фестивали катта қизиқиш ва кўтаринки руҳда ўтди.

Вилоят халқ таълими, матбуот ва ахборот бошқармалари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда китоб савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, халқ таълими муассасалари томонидан адабий, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий китоблар, дарслик ва ўқув қўлланмалар

намойиш этилди.

— Президентимиз раҳнамолигида мустақил диёригимизда адабиётга, маънавиятга қаратилаётган алоҳида эътибор самараси ўлароқ, замонавий матбаа корхоналари ташкил этилиб, юқори сифатли китоблар нашр этилмоқда, — дейди вилоят ахборот-ресурс маркази раҳбари Юсуф Муҳаммадиев. — Шаҳар ва қишлоқлар, таълим муассасаларидаги ахборот-ресурс марказлари янги адабиётлар, дарсликлар билан таъминланаётир. Мазкур фестиваль бу борадаги тажрибаларни ўрганиш ва кенг оммалаштириш, ўқувчи-ёшларни янги чоп этилаётган китоблар билан таништириш орқали маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Тадбирда қатнашган умумтаълим мактаблари ўқувчилари матбаа корхоналари томонидан нашр этилган янги китоблар билан танишди, вилоят ахборот-ресурс марказига аъзо бўлди.

Фестиваль давомида самарқандлик шоир ва ёзувчилар билан ижодий учрашувлар, янги китоблар тақдимотлари, кўрик-танловлар ўтказилди.

**Бухоро** вилоят ҳокимлиги, матбуот ва ахборот, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан Соғлом бола йилига бағишлаб ташкил этилган «Болалар китоби» фестивали ҳам ёшларнинг мутолаага бўлган меҳр ва иштиёқини янада



ошириши шубҳасиз.

«Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажиги!» шiori остида ўтган фестиваль ранг-баранг тадбирларга бой бўлди. Айниқса, янги чоп этилган бадий адабиётлар, жумладан, болалар учун мўлжалланган асарларнинг кўргазмаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Китоб — билим манбаи, — дейди Шофиркон туманидаги 47-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ақобир Тошпўлатов. — Кўргазмада иштирок этиб, кўплаб янги китоблар билан танишиш имкониятига эга бўлдим.

Тадбир доирасида ўтказилган мушоирада вилоятда яшовчи таниқли ижодкорлар, ёш қаламкашлар иштирок этди.

Бухоро вилоят кўғирчоқ театри томонидан миллий эртақлар асосида саҳналаштирилган спектакль фестивал қатнашчиларини халқ оғзаки

ижоди билан таништиришга хизмат қилди.

Расмлар, каштачилик, зардўзлик ва кулолчилик буюмлари кўргазмаси ҳамда ҳаваскорларнинг асфальтга расм чизиш танлови ёш истеъдод соҳиблари маҳорати намойишига айланди.

Абдулла Қодирий номидаги **Навий** вилоят ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтган фестивалда турли идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ноширлар, ўқитувчилар, талабалар, ўқувчилар, ота-оналар иштирок этди.

Бугунги кунда Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказига ўн минг нафардан зиёд китобхон аъзо, фестиваль доирасида улар қарийб тўрт юз номдаги янги адабиётлар билан танишиш имкониятига эга бўлди.

— Ёшларнинг китобга бўлган меҳр-муҳаббатини оширишда бу каби тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, уларнинг маънавий камолотида ҳам бадий адабиётнинг ўрни бошқача, — дейди вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Умрзоқов.

Фестиваль доирасида адиб ва шоирлар билан учрашув, ёш ижодкорлар мушоираси ҳамда янги китоблар тақдими ҳам ташкил этилди.

«Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий бойлиги» номли семинар эса иштирокчиларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлади.

Фестиваль якунида фаол китобхон ёшлар турли номинациялар бўйича тақдирланди.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ,**  
**Лайло ҲАЙИТОВА,**  
**Отабек АСЛОНОВ,**  
**«Turkiston» мухбирлари**

Yosh ixtirochi

## Коллеж битирувчиси фонарли соябон яратди

Соябон бизни қуёш нуридан, ёмғир ва қордан ҳимоя қилади. Паркентлик ёш иxtirochi Илҳом Исоқов ясаган соябон эса ҳам ҳимоячи, ҳам фонарь вазифасини ўтайди. У кундузи қуёш нуридан қувват олиб, кечаси йўлингизни ёритади. Қандай қилиб дейсизми?..

Тенгдошимиз болалиқдан техникага қизиқди. Кичик-кичик иxtirolар қила бошлади. Илҳом яқинларининг маслаҳати билан ўз иқтидорини бизнесда намоён этишга киришди. Аниқроғи, 2013 йилда «Ёш тадбиркор — юртга мадакор» кўрик-танловида ноанъанавий соябон ишлаб чиқариш лойиҳаси билан қатнашди. Туман, вилоят босқичидан республика босқичига етиб келди. «Энг яхши инновацион лойиҳа муаллифи» сифатида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу билан унга тадбиркорлик эшиги очилди. Ёш иxtirochi ва тадбиркор «Микрокредитбанк»нинг Паркент туман филиалидан ўн миллион саккиз юз минг сўм кредит олишга эришди.

Қаҳрамонимиз кредит олгунга қадар

Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлаб, «Зара-сара» хусусий корхонасини ташкил этди. Айни кунда бу ерда «акфа» эшик ва деразалари тайёрланмоқда. Аммо ёш тадбиркорнинг яна бир мақсади бор. У ўзи яратган соябонни оммалаштириш ҳаракатида.

Хўш, ушбу соябон нимаси билан ажралиб туради? Унинг устки қисми қуёш панеллари билан қопланади. Зарар етмаслиги учун гидроизоляция қилинади. Шунингдек, ҳар бир қуёш панели икки-уч қават материал билан ўралади.

— Ушбу соябон кундузи қуёш нуридан асраса, кечқурун ёриткич вазифасини бажаради, — дейди Илҳом Исоқов. — Соябоннинг ўртасида жойлашган фонарь чироқларига олти

светодиод ўрнатилади. Ушбу фонарь тўла қувват олса, уч соат ишлайди. Қувватлаш ҳам осон. Бунинг учун уни бир ярим соат мобайнида қуёшга қаратиб қўйиш kifоя.

Ёш иxtirochinинг айтишича, ҳадемай, ёриткичли соябонлар оммалашади. Уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун йигирма миллион сўмлик технология зарур. Бироқ Илҳом шунча маблағни қаердан оламан, деб қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Ўзи ташкил этган хусусий корхона орқали керакли маблағни тўплаб, фонарли соябонлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тараддудида.

Илҳом Исоқов яна кўплаб техник ишланмалар муаллифи. Яқинда у мева қуритишнинг янги технологиясини синовдан ўтказди.

— Паркент туманида узумчилик яхши ривожланган, шунга биноан майиз тайёрлаш технологиясини қайта кўриб чиқишга қизиқиб қолдим, — дейди Илҳом Исоқов. — Анъанавий технология барчага маълум. Биз тақлиф

қилган усул эса оддий, тежамкор ва самарали. Ушбу технология акфапрофил, қуёшли батарея, ойна ва бошқа қурилмалардан ишлаб чиқилган. Ускунанинг узунлиги уч метрдан олти метргача бўлиши мумкин. Икки қаватдан иборат ушбу қурилманинг биринчи қаватида узум, иккинчи қаватида эса бошқа меваларни қуритиш имконияти мавжуд. Мазкур минитехнология иш унумдорлигини ошириб, маҳсулот сифатини яхшилади.

Иxtirochi йигит оддий деталлардан ҳам нимадир яратишга интилади. У ясаган телевизор антеннаси ҳам альюмин профиллардан чиқаётган иккиламчи маҳсулотлардан тайёрланган. Келгусида у биогум ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирган. Илҳомнинг яна бир катта мақсади — тадбиркорлик ва техникага қизиқувчи ука-сингиллари учун ўқув маркази ташкил этиш. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Кутубхонада



## Mujdalar

# Энг катта совға — эътибор!

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида имконияти чекланган болалар ўртасида ташкил этилган «Мафтункор ранглар олами» республика расмлар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танловда Ўзбекистон Республикаси ногиронлар жамияти, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси вакиллари иштирок этди.

Аслида танловга тақдим этилган ҳар бир ижодий иш эътибор ва эътирофга муносибдир. Танлов қоидаларига кўра эса ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Фарғона вилоятида яшовчи Мавлуда Абдуназарова биринчи ўрин соҳибаси бўлди. Иккинчи ўрин хоразмлик Сожида Аминова, учинчи ўрин Андижон вилоятидан Сайдулло Имомжоновга насиб этди.

Тадбирга «Нихол» мукофоти совриндорлари, «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли ва эл ардоғидаги хонандалар кўтаринки кайфият бағишлади.

— Танловда кўплаб иқтидорли тенгдошларимнинг асарлари билан танишиб, ўзим учун кўп нарса ўргандим, — дейди танлов ғолиби Мавлуда Абдуназарова. — Ғолиб сифатида қимматбаҳо совғаларга эга бўлдим. Лекин мен учун энг катта совға эътибордир.

**Мухсина МИРЗАЕВА,**  
**Шайхонтохур туманидаги**  
**84-мактаб ўқувчиси**

## YONDAFTARCHANGIZGA

Шундай иш қилгинки, у келажакда сенга хижолат олиб келмасин.

**Низомий Ганжавий**

## Mutaxassis o'goh etadi

# Қондага риоя қилсангиз, кинороя

Оқилонга қўлланилса, тўғри ишлата билсак, олов ҳаётимизга зарар эмас, зар келтиради. Зеро, унинг манбаси саналмиш электр энергияси, табиий газ ва бошқа ёнилғи маҳсулотларисиз турмушимизни тасаввур қилолмаймиз. Афсуски, бу бойликлардан тўғри фойдаланмаслик, зарур қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида молу жонларига зарар етаётган юртдошларимиз ҳам топилади.



Юз берган ёнғинлар сабаби ўрганилганда, айрим фуқароларнинг иситиш ва ёритиш мосламалари носоз бўлишига қарамай, улардан фойдаланиб келганлари маълум бўлди.

Фуқаролар ёнғиннинг олдини олиши мумкинми? Албатта мумкин. Бунинг учун, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунида белгилаб берилганидек, ҳар бир шахс ёнғин хавфсизлиги учун ўзини жавобгар ҳис этиши, ўзи яшаётган

жойда бу қоидаларга қатъий амал қилиши лозимдир.

Жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, юртдошларимизни огоҳ этиш мақсадида мутахассислар томонидан учрашувлар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда. Кишиларнинг бундай мулоқотларда фаол қатнашишлари мақсадга мувофиқдир.

**М. ЖАЛОЛИДДИНОВ,**  
**Тошкент шаҳридаги 23-**  
**ЖЭХҚ катта инспектори,**  
**кичик сержант**

*Биласизми?*

## ҚАДИМИЙ САНЪАТ ТУРИ

Театр энг қадимий санъат турларидан биридир. У Туронзамин, Ҳиндистон, Юнонистон юртларида пайдо бўлган. Хусусан, қадим Турон юртида турли байрам ва сайилларда театрнинг илк куртаклари намоён бўлган.

Замонавий театрнинг дастлабки кўринишлари эса Юнонистонда юзага келган. Драма ўрта асрларда, опера XVI, балет санъати XVIII, оперетта йўналиши эса XIX аср ўрталарида вужудга ке-

либ, ривожлана бошлаган.

Юртимизда биринчи замонавий театр 1914 йилда ташкил этилган. У Ўзбек Миллий академик драма театридир. Юртимизнинг машҳур театрларидан Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали, Навоий номидаги опера ва балет академик катта театрлари ҳам ўтган асрнинг биринчи ярмида қурилиб ишга тушган.

**Назokat**  
**ҚУРБОННИЁЗОВА**  
**тайёрлади.**

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

«1370 йилнинг баҳорида Амир Темури қўшини Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганида унинг ҳузурига таниқли уламо-лардан Саййид Барака ташриф буюради. Саййид Барака Амир Темури фаолиятини қўлаб-қувватлаб, унга Олий ҳокимият рамзи табл ва яловбайроқ тортиқ қилиб, унинг буюк келажакдан башорат қилади...»

Айтинг-чи, мазкур матнда келтирилган «табл» сўзи қандай маънони аңглатади?

Жавобингизни **26 сентябрь** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

## Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

**Симоб.**

Наманган шаҳридан Мурувват Қамбаралиева, Хоразм вилоятидан Гулҳаё Нурметова тўғри жавоб йўллади.